

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЖИМЕТОВ ДАВРОНБЕК ШУХРАТБЕОВИЧ

**ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАСИ ЖАРРОХЛИГИДА
АНАСТОМОЗИТНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАКТИК-
ТЕХНИК ЖИХАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Хожиметов Давронбек Шухратбекович

Ўн икки бармоқли ичак яраси жаррохлигида анастомозитни даволаш ва олдини олишнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш..... 3

Хожиметов Давронбек Шухратбекович

Совершенствование тактико-технических аспектов лечения и профилактики анастомозитов в хирургии язвенной болезни двенадцатиперстной кишки 23

Hojimetov Davronbek Shuxratbekovich

Improvement of tactical and technical aspects of treatment and prevention of anastomosis in surgery of duodenal ulcers..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОЖИМЕТОВ ДАВРОНБЕК ШУХРАТБЕОВИЧ

**ЎН ИККИ БАРМОҚЛИ ИЧАК ЯРАСИ ЖАРРОХЛИГИДА
АНАСТОМОЗИТНИ ДАВОЛАШ ВА ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ТАКТИК-
ТЕХНИК ЖИҲАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

АНДИЖОН – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.PhD/Tib1979 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Нишанов Муроджон Фозилжонович тиббиёт фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	Хакимов МуродШавкатович тиббиёт фанлари доктори, профессор Косимов Адхам Лутфиллаевич тиббиёт фанлари доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Абуали ибн Сино номидаги Тожикистон давлат тиббиёт университети (Тожикистон Республикаси)

Диссертация ҳимояси Андижон давлат тиббиёт институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: info@adti.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.Р. Абдуллажонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.С. Мамасолиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги (ЎИБИЯК) дунёнинг барча минтақаларида энг кенг тарқалган патологиялардан биридир. Ушбу ҳолатда «яра касаллигининг асоратланган шаклларини хирургик даволаш муаммолари долзарблигича қолмоқда, бу бир томондан, беморларнинг энг оғир контингенти оператив даволаш амалиётига дучор бўлганида консерватив ва эндоскопик усулларнинг самарадорлиги билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан, ташрихдан кейинги турли хил асоратлар ривожланиши хавфи юқорилиги билан боғлиқ»¹. Уларнинг структурасида анастомоз чокларининг етишмовчилиги, демпинг синдроми, анастомознинг пептик яраси, қон кетиши энг кўп муҳокама қилинса, постгастрорезекцион анастомозит эса алоҳида нозологик бирлик сифатида камдан-кам ҳолларда кўриб чиқилади². Бироқ, айнан шу патологик жараён, кўпинча қайта хирургик аралашув билан яқунланадиган янада оғир асоратларнинг сабабчисидир. Анастомозитнинг ривожланиши беморлар аҳволини сезиларли даражада ёмонлаштириши ва уларнинг ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши мумкин, уни даволаш эса, кўпинча шифохонада ҳам, ундан кейинги даврда ҳам харажатларнинг ошиши билан узоқ давом этувчи реабилитация жараёнига айланади³. Анастомозит кўп омилли асорат бўлгани ҳолда, уни олиб бориш стратегияси бўйича аниқ тавсиялар йўқлиги сабабли, анастомозитни даволаш яра касаллигининг замонавий хирургиясининг долзарб муаммоси бўлиб қолмоқда.

Жаҳон амалиётида нафақат аралашувнинг тури ва ҳажмини, ваготомия соҳасини ҳисобга олиб амалга оширилган ташрихнинг хусусиятига, балки, компенсатор ва репаратив имкониятларга таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа ҳамроҳ механизмларга урғу берган ҳолда яра касаллиги бўйича ўтказилган ташрихлардан кейинги даврни асоратли кечиши ривожланишининг патогенетик хавф омилларини ўрганишга оид тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Ошқозон-ичак тракти фаолиятини тартибга солувчи ўзига хос гастроинтестинал гормонларга урғу берган ҳолда, ташрихдан олдин нейроэндокрин тизимнинг ҳолатини текшириш борасидаги тадқиқотлар бундан кам бўлмаган муҳим аҳамиятга эга. Бир томондан ошқозон яраси ривожланишига, бошқа томондан, ташрихдан кейинги даврни асоратли кечишини келтириб чиқарувчи генетик омилларни аниқлашга оид илмий ишланмалар давом эттирилмоқда.

¹Davis J.L., Ripley R.T. Postgastrectomy Syndromes and Nutritional Considerations Following Gastric Surgery // Surg. Clin. NorthAm. – 2017. – Vol.97 (2). – P. 277-293.

² Ручкин Д.В., Козлов В.А., Ниткин А.А., Назарьев П.И., Рымарь О.А., Ян М.Н. Повторные реконструкции пищеварительного тракта после операций на желудке. Хирургия. Журнал им. Н.И. Пирогова. 2019; 12:37-46.

³Zheng ZF, Lu J, Zhang PY, Xu BB, Zheng CH, Li P, Xie JW, Wang JB, Lin JX, Chen QY, Huang CM. Novel abdominal negative pressure lavage-drainage system for anastomotic leakage after R0 resection for gastric cancer. World J Gastroenterol. 2019 Jan 14;25(2):258-268. doi: 10.3748/wjg. v25.i2.258. PMID: 30670914; PMCID: PMC6337017.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими ривожланишининг замонавий босқичида профилактика, консерватив ва хирургик даволашнинг замонавий тамойилларини жорий этиш ҳисобига ЎИБИЯК билан касалланган беморларни даволаш натижаларини яхшилашга йўналтирилган кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, ташхисот ва хавфсиз хирургик тактика сифатини яхшилашда ижобий натижаларга эришилган. Шу билан бирга, шошилич ва режали хирургик ёрдам тизимини такомиллаштириш учун ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги хирургиясида асоратларни даволашга янгича ёндашувларни қўллашнинг илмий асосланган натижалари талаб этилади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф тоифаларининг тўлақонли ҳаёт кечиршини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган⁴ Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан ўн икки бармоқли ичак яраси хирургиясида анастомозитларни олдини олиш ва даволашнинг тактик-техник жиҳатларини такомиллаштириш долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021-йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2018 йил 26 январдаги ПҚ-3494-сон «Шошилич тез тиббий ёрдам тизимини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хирургик технологияларнинг ривожланиши фонида, сўнгги йилларда ошқозон яраси бўйича ўтказилган ташрихлардан кейинги асоратлар орасида пострезекцион ва постваготомик бузилишлар, шунингдек, яранинг қайталаниши улуши тобора камайиб бормоқда. Бироқ, бу ютуқларга қарамай, асоратлар частотаси ҳали ҳам юқори бўлиб қолмоқда, уларни даволаш эса мунозарали мавзу бўлиб қолмоқда⁵. Бу консерватив ёки эндоскопик коррекция қилишдан ташқари, кўпинча такрорий мураккаб реконструктив ташрихларни талаб қиладиган шунга

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

⁵ Черноусов А.Ф. Хирургия язвенной болезни желудка и двенадцатиперстной кишки: // А.Ф. Черноусов Т.В. Хоробрых, П.М. Богопольский // М.: практическая медицина 2016. - 352 с.

ўхшаш асоратлари бўлган беморларни даволаш ва етарли даражада узок муддатли реабилитация қилишнинг қийинчиликлари билан боғлиқ⁶. Ташрих туридан қатъи назар, энг кўп учрайдиган ўзига хос асорат –клиник аҳамиятга эга бўлган анастомозитнинг ривожланиши ҳисобланади⁷. Айнан шу патологик жараён кўпинча такрорий хирургик аралашув билан яқунланадиган янада оғир асоратларнинг сабабчисидир⁸. Анастомоз соҳасида, шунингдек, ярани тикиш ёки кесиш соҳасида яллиғланиш жараёни ривожланишининг патогенезида барча хавф омиллари иштирок этиши мумкин⁹. Техник жиҳатлар сирасига қуйидагилар киради: атравматик бўлмаган тикув материалдан фойдаланиш, узлуксиз кетгутли чоклар ёрдамида тикиш; ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак деворларини барча қаватларини тешиб ўтган холда тикиш; тикувчи аппаратлардан фойдаланиш; анастомоз ёки ўн икки бармоқли ичак бўшлиғининг гофрирланиши ёки торайиши; анастомоз қўйишдаги хатоликлар¹⁰.

Ушбу асоратнинг ривожланишининг патогенези яллиғланиш жараёни доирасидан ташқарига чиқади, чунки анастомозит ҳам чоклар етишмовчилиги, ҳам қон кетишининг ривожланиши учун кўзгатувчи механизм бўлиши мумкин. Бу, ошқозон резекциясидан кейин анастомоз соҳасида ёки аъзо сақловчи ташрихлардан кейин тикилган ўн икки бармоқли ичак девори соҳасида маҳаллий яллиғланиш жараёнининг ривожланиши эрозив-ярали ўзгаришларнинг шаклланишига олиб келиши ва ўз навбатида чоклар етишмовчилиги ёки қон кетишининг ривожланишига олиб келиши мумкинлиги билан боғлиқ¹¹. Ушбу асоратни ташхислаш қийинчилик касб этмайди. Ўз навбатида, анастомозитни даволаш мураккаблар муаммолар сирасига киради, чунки кўпинча яллиғланиш жараёнининг ривожланиш даражаси фақатгина анастомоз соҳаси билан чегараланиб қолмайди, балки шиш, эрозиялар, яра ривожланиши ва шу соҳа ўтказувчанлигининг бузилиши билан перифокал тарзда тарқалади¹². Шунга мос равишда, бундай беморларни реабилитация қилиш тизимли даволашга ҳам, маҳаллий таъсир қилиш нуқтаи назаридан, хирургияда лазер технологиялари кенг

⁶ Zhu C, Badach J, Lin A, Mathur N. et.al Omental patch versus gastric resection for perforated gastric ulcer: Systematic review and meta-analysis for an unresolved debate. Am J Surg. 2021 May;221(5):935-941.

⁷ Сачек М. Г., Ермашкевич С. Н. Эрадикационная терапия в профилактике и лечении анастомозита в хирургии язвенной болезни // Новости хирургии. 2010. №3. С. 32-46.

⁸ Mocanu V, Dang J, Ladak F, Switzer N, Birch DW, Karmali S. Predictors and outcomes of leak after Roux-en-Y gastric bypass: an analysis of the MBSAQIP data registry. Surg Obes Relat Dis. 2019 Mar;15(3):396-403.

⁹ Sun Y, Fang Y. [Prevention and treatment of anastomosis complications after radical gastrectomy]. Zhonghua Wei Chang Wai Ke Za Zhi. 2017 Feb 25;20(2):144-147. Chinese. PMID: 28226346.

¹⁰ Илларионова И.Н., Игонин Ю.А. Факторы риска развития раннего постгастрорезекционного анастомозита // Современные проблемы науки и образования. – 2019. – № 3. С. 38-45.

¹¹ Кукош М.Ю. Роль лимфостимуляции и лучевой терапии в комплексном лечении анастомозитов: автореф. дис. ... канд. мед. наук. – М., 2012. – 26 с.

¹² Дворниченко В.В., Галченко Л.И., Москвина Н.А., Полева А.Ю. Применение рентгенотерапии в комплексном лечении анастомозитов // Российский электронный журнал лучевой диагностики Russian Electronic Journal of Radiology (REJR). Т.2. - №2. - 2012. - Приложение. - С. 178-180.

қўлланилади¹³. Юқори клиник самарадорлик ва қарши кўрсатмаларнинг йўқлиги ушбу усулни нафақат физиотерапевтик муолажа, балки лазер нурланишини мустақил фойдаланиш сифатида ҳам, бошқа физик ва фармакологик усуллар билан биргаликда қўллаш мумкин бўлганда ҳам реабилитация дастурининг муҳим таркибий қисмига айлантиради¹⁴.

Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатдики, анастомозитларни олдини олиш ва даволашнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш масалалари замонавий хирургиянинг долзарб, етарлича ўрганилмаган ва ҳал этилмаган муаммоларидан биридир. Бинобарин, нафақат умумий реабилитация бўйича тавсияларни қўллашга комплекс ёндашувларга асосланган тадқиқотларни, балки яллиғланиш жараёни соҳасига эндоскопик ва тери орқали нурлантириш орқали кам энергияли лазерли таъсир кўрсатиш усулини ишлаб чиқиш ва қўллаш йўли билан анастомозитларни даволашнинг муқобил усулларига оид тадқиқотларни давом эттириш маълум қизиқиш уйғотади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий паст энергияли лазер таъсирини қўллаш усулини такомиллаштириш орқали ошқозон ва ўн икки бармоқли ичкадаги турли аралашувлардан сўнг анастомозит ривожланишини олдини олиш ва даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

лигатурали анастомозитларни даволаш учун ошқозон шиллиқ қаватига лазер таъсир кўрсатиш самарадорлигини баҳолаш учун экспериментал тадқиқотлар ўтказиш;

анастомозит фонида яллиғланиш жараёнининг кечишига лазер технологиялари таъсирининг морфологик хусусиятларини ўрганиш;

маҳаллий ва тери орқали паст энергияли лазер таъсиридан фойдаланган ҳолда анастомозитни олдини олиш ва даволаш усулини ишлаб чиқиш;

ташрихдан кейинги анастомозит ривожланишини олдини олиш ва даволаш учун таклиф этилган усулнинг клиник самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2011-2021 йилларда АДТИ клиникасининг 3-хирургия бўлимида ва Андижон шаҳридаги “Sarmed” хусусий шифохонасида ЎБИЯК туфайли даволанган 175 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети ЎБИЯК хирургиясида анастомозитларни олдини олиш ва даволашнинг такомиллаштирилган усулларини экспериментал ва морфологик асослаш ҳамда клиник самарадорлигини таҳлил қилишдан иборат.

¹³Späth M, Klämpfl F, Stelzle F, Hohmann M, Lengenfelder B, Schmidt M. A quantitative evaluation of the use of medical lasers in German hospitals. JBiophotonics. 2020 Feb;13(2): e201900238.

¹⁴Дмитриев А.К., Коновалов А.Н., Картунов В.Н., Ульянов В.А. «Умные» лазерные скальпели для роботизированной хирургии // Альманах клинической медицины. - 2016. - Выпуск 44 (2). - С. 172-178.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумклиник, лаборатор, махсус, экспериментал, морфологик ва статистик текширув усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тикилган гастротомик жароҳат соҳасида паст энергияли лазер нурлантириш сеансларини ўтказиш шиллик қаватдаги маҳаллий яллиғланиш ҳодисалари регрессиясининг тезлашишига ёрдам бериши ва кейинчалик чандикли трансформация шаклланиши жараёнлари интенсивлигини пасайтириши тажрибада аниқланган;

гастротомик жароҳат соҳасига лазер таъсир кўрсатиш регенерация жараёнининг барча босқичларини рағбатлантиришга, маҳаллий яллиғланиш реакцияларини камайтиришга ёрдам бериши, маҳаллий иммунитет тизимини бевосита фаоллашишини ва микроциркуляцияни яхшилашни таъминлаши исботланган;

ташрихдан кейинги эрта даврда гипертензия белгилари ривожланишини олдини олиш ва анастомоз соҳасида ёки тикилган ўн икки бармоқли ичак деворидаги яллиғланишли ўзгаришларнинг оғирлик даражасини камайтириш учун адекват декомпрессияга эришишга қаратилган назогастродуоденал зондлаш ва ошқозон лаважи усули такомиллаштирилган;

маҳаллий эндоскопик ва тери орқали нурлантириш орқали яллиғланиш жараёни соҳасига икки турдаги кам энергияли лазер таъсир кўрсатиш билан тавсифланувчи ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги хирургик аралашувлардан сўнгги кечки анастомозитни даволаш усули ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

лигатурали анастомозитнинг давом этиши фонида тикилган гастротомик жароҳат соҳасида ўткир ва сурункали яллиғланиш жараёни ривожланишини олдини олиш ва даволашда паст энергияли лазер нурланишининг маҳаллий технологияларидан фойдаланиш самарадорлиги тажрибада исботланган;

назогастродуоденал зондлашнинг таклиф этилган усулини қўллаш анастомоз ёки ўн икки бармоқли ичакнинг тикилган девори томонидан келиб чиқувчи ўзига хос маҳаллий асоратларни ривожланиш хавфини камайтириши, шунингдек антисептик эритмалар билан аҳамиятли соҳаларда энтерал лаваж ўтказиш имконини бериши аниқланган;

анастомозит ривожланишини олдини олиш ва даволаш учун таклиф этилган лазер таъсир ўтказиш усули маҳаллий қўллаш ҳисобига бактерицид ва яллиғланишга қарши таъсир кўрсатиши, тери орқали нурлантириш босқичларини ўтказиш орқали эса оғриқ синдромининг пасайишига, микроциркуляцияни яхшилашини, ригидлик ва стеноз шаклланишини олдини олишни таъминлаши аниқланган;

эндоскопик ва тери орқали нурлантириш йўли билан кам энергияли лазер таъсиридан фойдаланиш анастомозитлар ривожланишини олдини олиш ва даволаш самарадорлигини оширишга, ўзига хос асоратлар частотасини камайтиришга, шунингдек, госпитал давр давомийлигини қисқартиришга имкон берганлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Олинган натижаларнинг ишончлилиги беморлар ҳолатини баҳолашнинг объектив мезонлари, замонавий ташхисот ва даволаш усулларидан фойдаланилганлиги, услубий ёндашувлар ҳамда статистик таҳлил жамланмаларининг тўғри қўлланилганлиги билан асосланади. Олинган натижалар ишончлилигини статистик қайта ишлаш тасдиқлаган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган хулосалар ва берилган тавсиялар назарий аҳамиятга эга бўлиб, ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги хирургиясида лазерли нурлантиришнинг маҳаллий яллиғланиш реакцияларининг регрессига таъсирининг морфологик хусусиятларига аниқлик киритиш, шунингдек, ушбу асоратларни олдини олишнинг тактик ва техник жиҳатларини такомиллаштириш билан резекцион ва аъзо сақловчи ташрихлардан кейинги анастомозитнинг клиник кечиш хусусиятларини ўрганишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўтказилган экспериментал, морфологик ва клиник тадқиқотлар анастомозит ривожланишини даволаш ва олдини олиш учун ишлаб чиқилган лазерли таъсир қилиш усулининг юқори самарадорлигини кўрсатишга, ўн икки бармоқли ичак ярасини хирургик даволашнинг такомиллаштирилган тактик ва техник жиҳатлари билан биргаликда эса, реабилитация тадбирлари сифатини яхшилаш ва шифохонада бўлиш муддатини қисқартиришни таъминлашга имкон берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги турли хил аралашувлардан кейин анастомозит ривожланишини олдини олиш ва даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анастомозитларни даволаш ва олдини олишни мақбуллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги хирургиясида анастомозитларни олдини олиш ва даволашнинг тактик-техник жиҳатлари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20348 сонли маълумотномаси). Ишлаб чиқилган тавсиялар ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги асоратлари бўйича турли хил аралашувлардан сўнг анастомозитларни олдини олиш ва даволашга тактик ёндашувларни мақбуллаштиришга имкон берган;

«Назогастроуденал зондлаш ва ошқозон лаважи усули» такомиллаштирилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20348 сонли маълумотномаси). Назогастроуденал зондлашнинг тавсия этилган усулидан фойдаланиш анастомоз ёки ўн икки бармоқли ичакнинг тикилган девори томонидан келиб чиқувчи ўзига хос маҳаллий асоратларни ривожланиш хавфини камайтиришга, шунингдек антисептик эритмалар билан аҳамиятли сохаларда энтерал лаваж ўтказиш имконини берган;

«Анастомозит ривожланишини олдини олиш ва даволаш усули» такомиллаштирилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20348 сонли маълумотномаси). Эндоскопик ва тери орқали нурлантириш орқали паст энергияли лазер таъсир кўрсатишнинг таклиф этилган усули анастомозит ривожланишини даволаш ва олдини олиш самарадорлигини оширишга, ўзига хос асоратларни камайтиришга, шунингдек, шифохонада бўлиш муддатини қисқартиришга имкон берган;

олинган илмий натижалар соғлиқни сақлашнинг амалий фаолиятига, жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказининг ва Андижон давлат тиббиёт институти клиникасининг хирургия бўлимларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 22 декабрдаги 08-09/20348 сонли маълумотномаси). Ўн икки бармоқли ичак ярка касаллиги хирургиясида анастомозитларни олдини олиш ва даволашнинг тактик-техник жиҳатлари клиник аҳамиятли бўлган асоратлар шакли ривожланиш частотасини 8,2% дан 1,7% гача пасайтиришга, шунингдек госпитал муддат давомийлигини $12,3 \pm 2,5$ дан $10,5 \pm 2,0$ кунгача камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАСИНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яраси ва ташрихдан кейинги асоратлари жарроҳликнинг клиник-эпидемиологик жиҳатлари**» номли биринчи бобида адабиётлар кўриб чиқилган, асоратларнинг тарқалиши, этиопатогенези, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги ташрихлардан кейинги асоратларнинг частотаси ва анастомозит ривожланишининг хавф омиллари масалаларига бағишланган. Кўшимча ўрганиш ва ривожлантиришни талаб қиладиган муҳокама қилинган ва ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг "Клиник-экспериментал ва тадқиқот усулларининг хусусиятлари" номли иккинчи бобида диссертация тадқиқоти АДТИ клиникасининг 3-сонли жарроҳлик бўлими ҳамда Андижон шаҳардаги "Сармед" хусусий клиникасида олиб борилди. Тадқиқот 175 нафар беморларда эрта ва кечки анастомозитни даволаш натижаларига ва 40 та оқ рангли лаборатория каламушларда ўтказилган тажрибаларни ўз ичига олган экспериментал қисмга асосланган.

- Экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра, паст интенсивли лазер нурланишининг гастротомик жароҳат ва жарроҳлик иплари соҳасига таъсири куйидаги ўзаро боғлиқ морфологик ўзгаришларда намоён бўлади:

- Тавсия этилган усулларнинг самарадорлигини баҳолаш учун клиник тадқиқот ўтказилди.

Клиник тадқиқотлар икки тоифадаги беморларда ўтказилди.

Биринчиси, анастомозларнинг ривожланишининг олдини олиш учун лазер таъсирининг самарадорлигини баҳолашдир. Иккинчиси-кеч анастомозитни даволаш самарадорлигини баҳолаш. Барча ҳолатларда тадқиқот ўн икки бармоқли ичак ярасининг асоратлари бўйича ташрихдан кейинги беморларни ўз ичига олди.

Жами 175 нафар беморни қамраб олган бўлиб, улардан 131 нафари (74,9 фоизи) профилактика тоифасини, 44 нафари (25,1 фоизи) кечки анастомозитни даволаш тоифасини ташкил этди. Барча беморлар икки гуруҳга бўлинган. Таққослаш гуруҳи 98 нафар бемордан иборат (73 нафари эрта анастомозит кечиш хусусиятларини баҳолаш учун ва 25 нафари кечки анастомозит билан), уларда реабилитация дастури стандарт чора-тадбирларга асосланган. (1-жадвал)

1-жадвал

Беморларни тадқиқот гуруҳларига тақсимлаш

Гуруҳлар	Таққослаш гуруҳи (n=98)		Асосий гуруҳ (n=77)		Жами	
	Абс	%	абс.	%	абс.	%
Анастомозни олдини олиш	73	74,5%	58	75,3%	131	74,9%
Анастомозитни даволаш	25	25,5%	19	24,7%	44	25,1%
Жами	98	100%	77	100%	175	100%

Асосий гуруҳда - 77 (мос равишда 58 ва 19), операциядан кейинги реабилитация комплекси жарроҳлик аралашув соҳасига лазер таъсир қилиш усулларини ўз ичига олади, шунингдек, таклиф қилинган усул бўйича ташрих вақтида зондлаш амалга оширилди.

Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Экспериментал жарроҳлик ўқув маркази (марказ раҳбари профессор Р.А.Содиқов) ва патологик

анатомия лабораторияси бўлими (раҳбари профессор И.М.Байбеков) экспериментал тадқиқотлар олиб борилди.

Пастэнергияли лазер ва эндоскопик технологияларни қўллаш усулини ишлаб чиқиш оркали кечки анастомозитни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида дастлаб лазер нурларининг яллиғланиш соҳасига таъсирини баҳолашга қаратилган экспериментал тажрибалар ўтказилди.

Вазифалар қаторига қуйидагилар киради:

тикилган ошқозон жарохати соҳасидаги лигатураларни яхшироқ визуализацияси ва шишларни камайтириш учун лазер нурланишининг мақбул диапозони таъсирини аниқлаш;

лигатуралар мавжудлигида ва олиб ташлангандан сўнг тикилган ошқозон жарохати соҳасидаги битиш жараёнларини ўрганиш;

шакллантирилган чоклар соҳасидаги шишларни самарали камайтириш учун лазерли таъсир ўтказиш параметрлари ва даврийлиги кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

Тажрибалар оғирлиги 210-260 гр бўлган, 40 та оқ рангли лаборатория каламушларида ўтказилди. (2-жадвал). Тажрибалар қонун ҳужжатларига ("Лаборатория ҳайвонларига инсоний муносабатда бўлиш қоидалари", "Биотиббиёт тажрибалари деонтологияси") ва экспериментал ва бошқа илмий мақсадларда фойдаланиладиган умуртқали ҳайвонларни муҳофаза қилиш бўйича Европа конвенциясида белгиланган ахлоқий тамойилларга мувофиқ амалга оширилди. [Страсбургда 03/18/1986 йилда қабул қилинган ва Страсбургда 2006 йил 15 июнда тасдиқланган].

2-жадвал

Экспериментал ҳайвонларни ўрганиш гуруҳларига тақсимлаш

Ҳайвонлар	Экспериментдан чиқариш муддатлари (кун)					Жами
	7	14	21	30	45	
Каламушлар	7	14	21	30	45	
Асосий гуруҳ	4	4	4	4	4	20
назорат гуруҳ	4	4	4	4	4	20
Жами	8	8	8	8	8	40

Тадқиқот учун материал сифатида ошқозонга ёпишган атроф тўқималар билан бирга жарроҳлик аралашуви соҳасидан биопсиялар олинди. Гистологик тадқиқотлар гастротомик яра тикилгандан кейинги 7-14-21-30-45 кунлар ичида ўтказилди.

Микропрепаратларни тайёрлаш жараёнида биопсия тўқимаси нейтрал формалиннинг 10% эритмасида маҳкамланган. Кейин улар формалинга солинган. Кесмалар (қалинлиги 5-6 мкм) олиш учун парафин блоклари Leica CM 2000P микротоми билан кесилган.

Беморларни ташхислаш ва ташрихдан кейинги даволаш жараёнида барча стандарт текшириш усуллари: умумий клиник, лаборатор ва инструментал ташхислаш усуллари ўтказилди.


Лаборатор текширувлар қуйидагиларни ўз ичига олади: умумий қон таҳлили; қоннинг биокимёвий таҳлили; коагулограмма; умумий сийдик таҳлили. Барча лаборатор тадқиқотлар умумий стандарт техникага мувофиқ амалга оширилди.

Диссертациянинг **"Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак яра касаллиги хирургиясида кечки анастомозитларни даволаш учун лазер технологиясини такомиллаштириш"** деб номланган учинчи бобда, кам энергияли лазерларни ва эндоскопик технологияларни қўллаш, техникасини ишлаб чиқиш орқали кечки анастомозитларни даволаш самарадорлигини ошириш мақсадида дастлаб экспериментал тадқиқотлар ўтказдик.

Тажрибанинг тавсифи. Тажиба бошланишидан бир кун олдин ҳайвонлар алоҳида катакларга ажратилди ва уларга овқат берилмади.

Операция куни ерталаб ҳайвонлар операция хонасига олиб кетилган. Анестезия ҳалотан буғини ингалация орқали амалга оширилди. Кириш беҳушлиги шиша никоби остида амалга оширилди. Анестезия киритилгандан сўнг, каламуш операция столида оёқ-қўллари бир-биридан ажратилган ҳолда ётган ҳолатда. Стандарт тайёрлов босқичларидан сўнг юқори ўрта лапаротомия амалга оширилди, ошқозон жароҳатга олиб чиқилиб, олдинги юзасида аваскуляр сохадан кўндаланг йўналишда девори 1 см га кесилди, ошқозон яраси бир қаторли 3/0 Ethicon чоклари билан тикилди, чоклар орасидаги масофа 2 мм ги ташкил этган, сўнгра ушбу жароҳат 1 қаторли чўктирувчи тугунли чоклар ёрдамида тикилди ва ташрих жароҳати қаватма-қават тикилди. Ташрих майдонига 70% спиртли эритма ёрдамида ишлов берилди.

Тажрибаларнинг 2 сериясида эса, ташрихдан кейинги 18-кунда – асосий гуруҳдаги 20 та каламушларда тикилган гастротомик яра соҳасига азотли лазер нурланиши билан таъсир кўрсатилди. Назорат гуруҳида эса ошқозонга световод киритилиб, фақатгина 1 дақиқа давомида ушлаб турилди. Ўтказилган муолажалардан 2 кун ўтгач каламушлар тажибадан чиқарилди. Кейинчалик гастротомик жароҳат соҳасига 7 кун давомида 2 дақиқадан инфрақизил нурланиш спектрида тери орқали таъсир ўтказиш амалга оширилди. Икки турдаги паст энергияли “Шифо-нур” ва “Соғдиана” лазерларидан фойдаланилди. Хар куни, 4-7 кун давомида гастротомик жароҳат соҳаси шиллиқ қавати эндоскопик усулда шиша толали оптикадан фойдаланган ҳолда ҳамда гастротомик жароҳат соҳаси проекциясида тери орқали мужассамлашган таъсир ўтказиш амалга оширилди. (1-4-расмлар).



1-расм. Меъданинг олдинги деворида гастротомик яранинг ҳосил қилиш схемаси

2-расм. Гастротомик жароҳатни бир қаторли тугунли чоклар билан тикиш.

3-расм. Анастомоз соҳасини эндоскопик лазер нурлантириш схемаси

4-расм. “Согдиана” лазер қурилмаси ёрдамида анастомоз соҳасини перкутан нурлантириш схемаси (890 нм)

Тадқиқот учун материал сифатида ошқозонга ёпишган атроф тўқималар билан бирга жарроҳлик аралашуви соҳасидан биопсиялар олинди. Гистологик тадқиқотлар гастротомик яра тикилгандан кейинги 7-14-21-30-45 кунлар ичида ўтказилди


Лазер нурланишининг анастомозит ривожланишининг олдини олиш ва даволашга таъсирини морфологик баҳолаш Биолам И микроскопи, рақамли камера ва компьютер ёрдамида амалга оширилди. Барча микрофотографиялар Microsoft Windows 10 Pro дастури ёрдамида компьютерда қайта ишланган ва маълумотлар сақланган.

Иккала гуруҳда 14 кунгача бўлган морфологик ўзгаришлар деярли бир хил бўлди. Чунки бу даврда ҳар икки гуруҳ учун ҳам бир хил шароит ва тартиб яратилган.


Тажрибанинг 18-кунида тажриба гуруҳида лазер нурланиши бошланди. Асосий ўзгаришлар 21 кундан бошлаб пайдо бўла бошлади. Назорат гуруҳида пролифератив жараёнлар устун бўлсада, яллиғланиш жараёнлари ва жарроҳлик иплари билан ўзаро таъсир қилишда реактив ўзгаришлар аниқланди. Шу билан бирга, гастротомия соҳасида деярли барча соҳаларда, айниқса жарроҳлик ипи ва тўқима ўртасида дағал бириктирувчи тўқималарнинг регенерацияси, иплар орасидаги лимфоцитар-макрофаг яллиғланиш инфилтрацияси кузатилди.

Бу даврларда, экспериментал гуруҳда, назорат гуруҳидан фарқли ўлароқ, гастротомия ва мултифиламентли жарроҳлик тикув соҳаларида ҳужайраларнинг дифференциацияси ва трансформацияси натижасида бутун қатламни регенерацияси кузатилди. Фибробластларнинг юмшоқ толали ва тартибли жойлари кузатилди (5 ва 6-расм).

Яна ўзига хос жиҳат шундаки, тўқималарнинг ёт жисмга (жарроҳлик ипи) муносабати сезиларли даражада камайиши кузатилди. Бу энг муҳим натижалардан бири бўлиб, анастомоз соҳаларида кузатилиши мумкин бўлган кечки асоратларнинг олдини олиш бўйича хулосалар ва тавсиялар беришда муҳим рол ўйнайди.



5-расм. Гастротомия соҳасида эпителий қатламидаги бириктирувчи тўқиманинг регенерацияси. Яллиғланиш ўчоқлари ва инфилтратлар. Назорат гуруҳи. 30 кун. Г-Э. 10x4.



6-расм. Гастротомия соҳасидаги қатламларни тўлиқ регенерацияси. Асосий гуруҳ. 30 кун. Г-Э. 10x4.

Шундай қилиб, экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра, паст интенсивли лазер нурланишининг гастротомик жарохат ва жарроҳлик иплари соҳасига таъсири қуйидаги ўзаро боғлиқ морфологик ўзгаришларда намоён бўлади. Гастротомик жарохат, шунингдек ип ва биотўқималар орасидаги соҳаларда яллиғланиш реакцияларининг камайиши, регенерация жараёнининг барча босқичларини кучайиши кузатилади. Маҳаллий иммунитет тизимини бевосита ва микроциркуляцияни билвосита рағбатлантириш натижасида аралашув соҳасида ва атроф тўқималарда бирламчи ва иккиламчи инфекцион агентлар ривожланиши бартараф этилади. Регенерация жараёнининг муҳим қисми бўлган хужайралар дифференциацияси ва трансформациясини кучаяди.

Умуман олганда, буларнинг барчаси биргаликда орган шикастланиши (гастротомия) фонида ҳам, тўқималарнинг ва тикув ипи билан ўзаро таъсири туфайли турли хил яллиғланиш жараёнларини ривожланиш хавфини сезиларли даражада камайтирди.

Диссертациянинг тўртинчи боби **"Ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакдаги жарроҳлик аралашувлардан сўнг анастомозит ривожланишини даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш"** га бағишланган.

Экспериментал тадқиқотлар ошқозон ва ўн икки бармоқли ичакда жарроҳлик аралашувлардан кейин анастомоз ривожланишини даволаш ва олдини олиш учун маҳаллий лазер технологияларидан фойдаланишнинг тактик ва техник хусусиятларини аниқлашга имкон берди.

Шунга кўра, ушбу бобда анастомозит ривожланишининг олдини олиш ва даволаш усулларини такомиллаштиришнинг қуйидаги вариантлари келтирилган:

- ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги асоратларини жарроҳлик усулида даволашда ташрихдан кейинги асоратлар хавфини камайитириш ва




реабилитация нуқтаи назаридан назогастроудоденал зондлаш ва ошқозонни "лаваж" усули ишлаб чиқилди.

- ташрихдан кейинги реабилитация дастурига маҳаллий лазер технологияларини киритиш орқали анастомозит ривожланиши ва даволашнинг олдини олиш усули ишлаб чиқилди.

Усул қуйидаги тарзда амалга оширилади.

Назогастроудоденал зондни ўрнатиш учун ташрихдан олдин узунлиги 1,5 м гача, кенлиги 4-6 мм гача, зонднинг дистал учидан 20-25 см масофада ёнбош деворларида диаметри 1,5-2 мм ли 14-18 та тешикчалари бўлган винилхлорид зонддан фойдаланилади. Анастомознинг орқа лаби шакллантирилгандан сўнг, зонд ўн икки бармоқли ичак бўшлиғидан ўтказилиб, оч ичаккача етказилади. Бу усул самарали селектив декомпрессияни амалга ошириш, ичак чоклари соҳасини дренажлаш ва антисептик эритмалар билан лаваж қилиш имконини беради.

Зонднинг проксимал учи илгари ошқозонга киритилган меъда зонди учига боғланган. Ошқозон зонди биз учун керакли масофада декомпрессия найчасининг проксимал учи билан бирга олиб ташланади ва анастомоз ёки пилородуоденопластиканинг орқа лабига ингичка кетгут чок билан маҳкамланади ва найчанинг ташқи учи бурун орқали чиқарилади ва бурун қанотларига тикилади. (7-расм).



7-расм. Декомпрессия зондини киритиш босқичларининг схематик ва ташрих вақтидаги кўриниши.

Ўтказилган экспериментал ва морфологик тадқиқотлар маҳаллий яллиғланиш жараёнлари ривожланишини олдини олиш ва даволаш учун маҳаллий лазер технологияларидан фойдаланиш самарадорлигини асослаш имконини берди. Олинган натижалар асосида клиник амалиётда фойдаланиш учун янги усул ишлаб чиқилди.


